

ЎЗБЕКИСТОНДА ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИК ВА КАСАНАЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Ахунов Муҳаммадамин Абдуваситович

Андижон машинасозлик институти “Иқтисодиёт” кафедраси доценти

Аннотация:

Мақолада янгиланаётган Ўзбекистонда аҳоли ўртасида оилавий тадбиркорлик ва касаначиликни ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятлари ва муаммолари ҳақида сўз боради. Маҳаллаларда тадбиркорлик ва касаначиликни йўлга қўйилишининг бу муаммоларни ечимидаги ўрни ва аҳамияти тўғрисида мулоҳазалар ва таклифлар берилган.

Калит сўзлар: маҳалла, тадбиркорлик ва оилавий тадбиркорлик, касаначи, кичик бизнес, касаначилик, ишсизлик, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, камбағаллик.

Янги Ўзбекистонда давлатимиз ва ҳукуматимиз томонидан оиланинг ижтимоий-иқтисодий мавқеига ва шу асосда, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада такомиллаштиришга катта эътибор берилляпти. Чунки ҳар бир фуқаро ва унинг оиласи шу тизим бағрида яшайди ва ривожланади. Ўзбекистонда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқаришнинг тарихий ва анъанавий модели – маҳалла тизимидир. Бизнинг юртимизнинг ҳар бир фуқароси ҳамда ҳар бир қарич ери маҳалла бошқарув тизими билан қамраб олинган.

Мустақилликнинг дастлабки кунларида Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 1992 йил 12 сентябрдаги Фармонида мувофиқ Республика “Маҳалла” хайрия жамғармаси ташкил қилинди, бир йил ўтгач, 1993 йилнинг 2 сентябрида халқимиз тарихида биринчи марта “Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида” Қонун қабул қилинди ҳамда “XXI аср Маҳалласи” концепцияси ишлаб чиқилди. 2003 йил “Обод маҳалла” йили деб эълон қилинди. Республикамизда ўтган давр ичида ўзини-ўзи бошқаришнинг амалга ошириш билан боғлиқ бўлган муносабатларнинг барқарор ва кўп қиррали тажрибаси яратилди. Ўзини-ўзи бошқаришнинг аҳамияти муттасил ошиб бориб, у алоҳида ҳуқуқий институт мақомидан сиёсий-ҳуқуқий феномен даражасигача кўтарилди ҳамда Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузумининг асосларидан бири бўлиб қолди. Кенг маънода ўзини-ўзи



бошқаришнинг аҳамияти турли шаклларда намоён бўлади. Уни, биринчидан, халқ ҳокимиятининг бир шакли, иккинчидан, фуқаролик ҳуқуқларини амалга ошириш усули, учинчидан, жамият ва давлатни идора қилиш тизимидаги ташкилий ва функционал жиҳатдан алоҳида институт, деб таърифлаш мумкин. Ўзини-ўзи бошқариш халқ ҳокимиятининг бир шаклидир. Давлат ҳокимияти билан бир қаторда ўзини-ўзи бошқариш Ўзбекистонда ягона халқ ҳокимиятини ифодалайди. Бу қоида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 105 моддасидан келиб чиқади [1. 58 –бет]. Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариши фуқароларнинг маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ўз манфаатларидан, ривожланишнинг тарихий хусусиятларидан, маҳаллий урф-одатлар ва анъаналардан, миллий ва маънавий қадриятлардан келиб чиққан ҳолда ҳал қилиш борасидаги Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари билан кафолатланадиган мустақил фаолиятдир. “Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги Қонунга биноан улар “...маҳаллий давлат ҳокимияти тизимида кирмайди”[2. 21-бет]. Ўзбекистонда маҳалла институти ўзини-ўзи бошқаришнинг жаҳон миқёсида ўхшаши йўқ бир механизми бўлиб, жамиятимизда амалга оширилаётган барча демократик ислохотларда фаол қатнашиб келмоқда. Бугунги кунда 10 мингдан ортиқ маҳалла фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари таркибида фаолият юритиб келмоқда. Мамлакатимизда маҳалла борасида олиб борилаётган сиёсат, асосан, қуйидаги муҳим вазифаларни амалга оширишни кўзда тутмоқда:

биринчиси, сиёсий соҳадаги вазифалар бўлиб, маҳалла институтининг ваколатларини кенгайтириш ҳамда давлат ва жамият қурилишини такомиллаштиришдаги ролини кучайтиришдан иборат;
иккинчиси, ҳуқуқий аҳамиятга молик вазифалар бўлиб, маҳаллада қонун устуворлигини таъминлашда ҳамда аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини оширишда кенг имкониятлар яратишдан иборат;
учинчиси, иқтисодиётни ривожлантириш соҳасидаги вазифалар бўлиб, маҳаллаларда кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик, хунармандчилик ва касаначиликни ривожлантиришни рағбатлантиришдан иборат;
тўртинчиси, ижтимоий соҳани ривожлантириш бўйича вазифалар бўлиб, аҳолининг бандлигини таъминлаш орқали камбағаллик ва боқимандалик кайфиятига барҳам бериш, хотин-қизлар ва ёшларга оид давлат сиёсатларини амалга оширишдан иборат;



бешинчиси, маҳаллада тинчлик ва огоҳликни, миллатлараро тотувлик ҳамда диний бағрикенгликни таъминлашдан иборат.

Иш билан бандликни тартибга солишнинг янги механизмларини шакллантиришнинг бозор тамойиллари меҳнат соҳасида янги тенденцияларни пайдо қилмоқда. Хусусан моддий ишлаб чиқариш соҳасида: 1) иш билан банд бўлганларнинг камайиши; 2) иқтисодиёт тармоқларида иш билан бандлик таркибининг жиддий равишда ўзгариши; 3) иш билан норасмий бандлик кўламларининг кенгайишида ўз ифодасини топомқда. “Ҳозир юртимизда 34 миллион аҳоли бўлса, шундан 19 миллион нафари меҳнат ёшидаги одамлар. Яъни 16-60 ёшдагилар. Бироқ уларнинг 14 миллиони расман ва 5 миллиони норасмий ишлайди” [3-4-бет]. Бундай шароитда янги қонунлар асосида иш билан норасмий бандликни расмийлаштириш орқали ишсизликни камайтириш мумкин. Ҳозирги пайтда аҳолининг иш билан бандлигини ошириш мақсадида бир қатор муаммоларга эътибор қаратиш лозим: 1) янги иш ўринларини яратишда реал иқтисодиёт талабларини ҳисобга олиш зарур; 2) кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун малакали кадрлар тайёрлаш тизими шу куннинг талабидан орқада қолаётганлигини ҳисобга олиш керак; 3) мамлакатимизда иш кучининг ички ва ташқи рақобатбардошлигини ошириш талаб қилинмоқда; 4) таълим муассасалари, биринчи навбатда касб-хунар коллежларида халқ хўжалиги эҳтиёжларидан келиб чиқиб малакали кадрлар тайёрлаш; 5) мамлакат минтақаларида иш билан бандликка кўмаклашиш марказлари ўз туман ва шаҳарлардаги меҳнат ресурсларининг баланси тўғрисида ишончли маълумотга эга бўлишлари мақсадга мувофиқдир. Мамлакатимизда бизнеснинг янги ташкилий-ҳуқуқий шакли сифатида оилавий тадбиркорлик, ҳунармандчилик, касаначилик, кичик бизнес ва томорқа хўжалиги соҳаларини юритишнинг ҳуқуқий асослари яратилди. Бу соҳани ривожлантирилиши натижасида аҳолининг иш билан бандлиги билан бир қаторда , оила бюджети даромадлари, оила фаровонлигини ошириш шароитлари яратилади. Давлат маҳаллани хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантиришга жиддий эътибор қаратиш лозимлигини белгилаб берган. “Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги Қонунга биноан фуқаролар йиғинига тадбиркорлик фаолияти субъектларини, шу жумладан, сартарошхоналар, пойабзал таъмирлаш ва тикиш бўйича устахоналар, халқ ҳунармандчилиги цехларини ва аҳолига маиший хизмат кўрсатишни ташкил этиш ваколатлари берилган. Қарорда белгиланганидек, фуқаролар йиғини юридик шахс мақомига эгаллиги



туфайли ўзи ҳам тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш имкониятига эга. Маълумки, фуқаролар йиғини тижоратчи бўлмаган ташкилот бўлганлиги сабабли ўз муассислари ва иштирокчилари (кириш ва аъзолик бадаллари) таъминотида бўлиши, ўз фаолиятдан олинаётган фойда ҳисобидан ўзини ўзи молиялаштириши мумкин. Қолаверса, қонун унинг ёрдамчи тадбиркорлик фаолиятдан фойда олишини таъқиқламайди, бироқ бу фойда иштирокчиларнинг ўртасида тақсимланишига йўл қўйилмайди [4. 12-бет]. Маҳалла фуқаролари а) тадбиркор мулк эгаси сифатида, б) тадбиркор, фермер, бизнесменларга ёлланма ишчи кучи сифатида, в) доимий иш билан банд бўлган ҳолда ўз ишига қўшимча кичик бизнес олиб боровчи сифатида, г) ишсизликдан бандликка ўтиш мақсадида тадбиркорлик ва касаначиликда эркин фаолият олиб бориши мумкин. Оилавий тадбиркорлик оилавий мулкка асосланган, оила аъзолари иштирок этадиган ва маълум даражада оилага даромад (фойда) ва ижтимоий наф келтирилишини кўзлаб қилинадиган эркин танланган қонуний фаолият шаклида амалга оширилади. Оилавий тадбиркорликнинг афзалликлари қуйидагилардан иборат: - бизнес-режа асосида мустақил қарорлар қабул қилади; - бозорни ўзи танлайди ва эркин киради ва чиқади; -мулк, товарлар ўз эгасининг тасарруфида бўлади; - бошқарув ва маркетингни мустақил амалга оширади; - таваккалчилик ва рискда маъсулият оилавий тадбиркор зиммасида бўлади.

Ишсизликнинг олдини олишга қаратилган муҳим тадбирлар қаторида касаначиликни ривожлантириш масаласи ҳам аҳамиятлидир. Касаначи – ёлланиб уйида ишлайдиган ҳунарманд-қосиб, касана - кишилар томонидан уйда тайёрланадиган нарса ва шу тартибда ишлаш ҳисобланади. Мамлакатимизда касаначиликни ривожлантириш соҳасида 2006 йилдан бошлаб янги босқичга қадам қўйилди. Биринчи Президентимизнинг 2006 йил 5 январда имзо чеккан “Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосида ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-3706-сонли Фармони ушбу соҳани янгидан шакллантириш ва ривожлантиришнинг меъёрий ҳуқуқини яратиш борасида сезиларли ҳужжат бўлди. Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2006 йил 11 январда қабул қилинган 4-сонли қарори . мазкур фармонни амалга ошириш чораларига бағишланган эди. Шу қарор билан “Касаначилик тўғрисида”ги Низом қабул қилинди. Натижада касаначилик янги мазмунда ва янги босқичда ривожлана бошлади. Касаначиликнинг ўзига хос хусусиятлари қуйидагилардан иборат - касаначи



эркин ёлланма ишчи бўлиб, корхона билан шартнома асосида иш олиб боради ва уйдаги оила аъзоларидан қўшимча ишчи кучи сифатида фойдалана олади, иш берувчи корхона касаначиларни меҳнат воситалари, хом ашёлар, станоклар, жиҳозлар, асбоб-ускуналар ва бошқа зарурий инвентарлар билан таъминлайди, солиқлардан озод қилади, ишлаб чиқарилган маҳсулотларни қабул қилиб оладидар ва иш ҳақини берадилар. Касаначиликда иш жойларини яратишда катта маблағлар талаб қилинмайди. Касаначининг уй-жойи унинг ишхонаси бўлиб ҳам хизмат қилади. Касаначиликни ривожланиши учун ҳуқуқий, иқтисодий имкониятлар ва шарт-шароитлар яратилган бўлса ҳам Республикамиз миқёсида бу соҳанинг ривожланиши давр талабидан орқада қолмоқда. Бунинг қатор сабаблари бор. Авваламбор, аҳоли орасида касаначилик ва унинг имтиёзлари тўғрисида маълумотлар етарли эмас. Иш билан банд бўлмаганларнинг аксарияти маълумот олмаганлиги туфайли касаначилик билан шуғулланишга қизиқишлари йўқ даражада. Оммавий ахборот воситалари бўлган матбуот, телевидение, радио ва реклама, эълонларда ҳам етарли маълумотлар тарқатилиши кучсиз. Иш берувчи манфаатдор корхоналар ҳам касаначилик имкониятларидан тўлиқ фойдалана олмаяптилар.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, ҳалқимизда ишбилармонлик ва бизнес кўникмаларини шакллантирилиши орқали тадбиркорлик ташаббусларини ошириш, боқимандалик кайфиятидан халос бўлишга интилиш ҳам кучайиб бормоқда. Дунёдаги энг нуфузли нашрлардан бири бўлган Буюк Британиянинг “Экономист” журнали Ўзбекистонни 2019 йилда энг жадал ислохотларни амалга оширган давлат – “Йил мамлакати” деб эътироф этди. Жаҳон банкининг 2019 йилдаги “Бизнес юритиш” рейтингида ҳам Ўзбекистон энг илғор ислохотчи мамлакатлар қаторидан ўрин олди. Ривожланиб бораётган Янги Ўзбекистонда, унинг ҳар бир маҳалласида кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик, оилавий тадбиркорлик, касаначилик, ҳунармандчилик ва томорқа хўжалигини ривожлантириш аҳоли бандлигини таъминлашда ва халқ фаровонлигини оширишда, кам таъминланган оилаларининг камайиб боришида катта аҳамиятга эга бўлиб бормоқда. Шунга қарамасдан, маҳаллаларда оилавий тадбиркорлик ва касаначиликни ривожлантиришга кенг имкониятлар яратилган бўлсада, бугунги кунда бу соҳалар ишсизликнинг камайишига талаб миқёсида ўз ҳиссаларини қўшишга эриша олмаяптилар. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда маҳалла фаоллари билан биргаликда бугунги кунда оилавий



тадбиркорлик ва касаначиликни ривожлантириш йўлида самарали
ислохотларни бошлаб юбордилар. Зеро, аҳолининг иш билан таъминланиши
ва уларнинг фаровонлигини ошириш давлатимизнинг бугунги кундаги
долзарб ва устувор вазифаларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Тошкент, 2019.
2. Олламов Я. Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариши - халқ
ҳокимиятчилигининг асоси. Тошкент, 2011.
3. Восиқов У. Камбағаллик: уни камайтиришнинг қандай йўллари мавжуд?
“Халқ сўзи” газетаси, 2020 йил 18 июль.
4. Фуқаролар йиғини ҳузурида тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш,
қайта ташкил этиш ва тугатиш тартиб-таомиллари ҳақида услубий тавсиялар.
Тошкент, 2016.
5. Бартольд В.В. Иран. Исторический обзор. Соченения. Т. VII. М.: 1971.
6. Каримова М. А., Нажимидинова Д. Ғ. ФАРЗАНД ТУҒИЛИШИ ВА БОЛА
ТАРБИЯСИ БИЛАН БОҒЛИҚ УРФ-ОДАТЛАРДА ЗАРДУШТИЙЛИК
ИЗЛАРИ //Journal of new century innovations. – 2023. – Т. 12. – №. 1. – С. 69-76.
7. Нажимидинова Д. Ғ. ОИЛА ТИНЧЛИГИ ЖАМИЯТ ФАРОВОНЛИГИ
//Journal of new century innovations. – 2023. – Т. 12. – №. 1. – С. 77-81.
8. Атаханов Р. С., Ахунов М. А. КАРАКАЛПАКЫ ФЕРГАНЫ: В ПРОШЛОМ
И НАСТОЯЩЕМ (анализ полевых исследований) //Journal of new century
innovations. – 2023. – Т. 12. – №. 1. – С. 82-90.
9. Ахунов М. А. ЗМ БОБУР АСАРЛАРИДА АДОЛАТЛИ ДАВЛАТ ҒОЯСИ
ХУСУСИДА //Journal of new century innovations. – 2023. – Т. 12. – №. 1. – С.
91-95.
10. Абдуллаев У. С. Традиционные и современные межэтнические связи в
сельских местностях Ферганской долины : дис. – Ин-т истории, 1991.
11. Абдуллаев У. С., Каримова М. А. Обряды, связанные с посещением
мазаров у женщин Ферганы: традиция и современность //Международный
научно-исследовательский журнал. – 2015. – №. 6-4 (37). – С. 72-74.
12. Абдуллаев У. С., Каримова М. А. основные направления традиционных
межэтнических процессов в ферганской долине (XIX–XX в. в) //Социально-
гуманитарный вестник Юга России. – 2014. – №. 4. – С. 3-7.



13. Abduqayumovna K. M. INTERACTION OF OBJECT, SUBJECT AND SYNERGETIC CATEGORIES IN SCIENTIFIC WORK //Spectrum Journal of Innovation, Reforms and Development. – 2022. – Т. 3. – С. 25-29.
14. Каримова М. Improving technical philosophy and changing human thinking //O ‘zbekiston milliy universiteti xabarlar, 2022,[1/5] issn 2181-7324.
15. Абдуллаев, Улугбек Сайданович, and Рафик Сотволдиевич Атаханов. "ИЗ ИСТОРИИ УЗБЕКСКО-КИРГИЗСКИХ ЭТНОКУЛЬТУРНЫХ ВЗАИМООТНОШЕНИЙ (ПО МАТЕРИАЛАМ ФЕРГАНСКОЙ ДОЛИНЫ)." Журнал научных публикаций аспирантов и докторантов 2 (2014): 120-124.
16. Abdullayev U. S. TRAINING OF HIGHER EDUCATION PEADGOGICAL CADRES IN UZBEKISTAN DURING THE INDEPENDENCE YEARS: PROBLEMS AND SOLUTIONS //Theoretical & Applied Science. – 2020. – №. 7. – С. 125-129.
17. Абдуллаев У. С., Каримова М. А. основные направления традиционных межэтнических процессов в ферганской долине (XIX–XX в. в) //Социально-гуманитарный вестник Юга России. – 2014. – №. 4. – С. 3-7.
18. Абдуллаев У. С. Фарғона водийсида этнослараро жараёнлар //XIX-XX аср бошлари). Тарих фанлари док. Дисс. – 2005. – Т. 2006. – С. 5.
19. Абдуллаев У. С. Изучение однонациональных и национально-смешанных семей в сельских местностях Андижанской обл //Новое в этнографии. – 1989. – №. 1. – С. 85.
20. Абдуллаев У. С. Традиционные и современные межэтнические связи в сельских местностях Ферганской долины : дис. – Ин-т истории, 1991.

